

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВ БЕҲЗОД БАХТИЕРОВИЧ**

**ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР ПРОЛАПСИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА  
ОПЕРАЦИЯДАН ОЛДИНГИ ТАЙЁРГАРЛИК ВА ОПЕРАЦИЯДАН  
КЕЙИНГИ БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**

**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Назаров Беҳзод Бахтиерович**

Жинсий аъзолар пролапси мавжуд беморларда операциядан олдинги тайёргарлик ва операциядан кейинги беморларни олиб боришни оптималлаштириш ..... 3

**Назаров Беҳзод Бахтиерович**

Оптимизация предоперационной подготовки и послеоперационного ведения пациентов с пролапсом тазовых органов ..... 32

**Nazarov Bekhzod Baxtiyerovich**

Optimization of preoperative preparation and postoperative management of patients with pelvic organ prolaps ..... 60

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published papers ..... 64

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВ БЕҲЗОД БАХТИЕРОВИЧ**

**ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР ПРОЛАПСИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА  
ОПЕРАЦИЯДАН ОЛДИНГИ ТАЙЁРГАРЛИК ВА ОПЕРАЦИЯДАН  
КЕЙИНГИ БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**

**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1611 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ниязметов Раҳматулла Эрматович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаева Лағия Мирзатуллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Нигмаджанов Баҳодур Болтаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббий университети**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Тел / факс: (+998 65) 223-00-50, e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро ш, 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувоний кўчаси, 23 уй. Тел / факс: (+998 65) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.Т. Ходжиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ш. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жинсий аъзолар пролапси – ички жинсий аъзоларининг қин тешиги ёки унинг ташқарисигача пастга тушиши ва тўлиқ тушиши билан тавсифланувчи патологик жараён. Жинсий аъзолар пролапси ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келувчи тиббий - ижтимоий муаммо ҳисобланади. Ушбу патология ноқулайлик туғдиради, сийдик тута олмасликка, қабзиятга сабаб бўлади, либидо (майл, эҳтирос) нинг пасайишига олиб келади, жинсий аъзолар дисфункцияси билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради. «Генитал пролапсининг янада ўтказиб юборилган ҳолатларида қин ва бачадон бўйни олд деворининг шиллиқ қавати трофик яралари пайдо бўлади. Ушбу паталогиянинг долзарблигидан бири унинг кўп тарқалганлиги, қинда микробиоценознинг яққол бузилиши фонида юқумли – яллиғланиш касалликлари ва сийдик йўллари инфекциясининг юқори индекси, шунингдек, операциядан кейинги даврда қайталанишларнинг юқори даражаси билан боғлиқ»<sup>1</sup>.

Дунё миқёсида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, сўнгги йилларда генитал пролапс мавжуд беморлар сони сезиларли даражада ошиб бораётганлигини кўрсатади. Бугунги кунда 6,5% дан 64,6 % гача аёллар ҳаётининг турли даврларида ва постменопаузада турли даражадаги жинсий аъзолар пролапсидан азият чекади. 2030 йилга келиб, дунё бўйича уларнинг сони 63 миллионга етиши мумкин. «Америка урологлар ассоциацияси (АУА) маълумотиغا кўра, умумий популяцияда ҳар тўққизинчи аёл генитал пролапс ёки стрессли сийдик ушлолмаслик бўйича жарроҳлик йўли билан даволанишга эҳтиёж сезади. Ҳар йили иқтисодий ривожланган АҚШда тахминан 400 минг нафар аёлда жинсий аъзолар пролапси сабаб жарроҳлик аралашуви ўтказилади, бироқ операциядан кейинги узоқ муддатли қайталанишлар частотаси 30 фоизгача, операциядан кейинги эрта йирингли-инфекцион асоратлар эса 4 фоиздан 9 фоизгачани ташкил этади, бу эса ушбу муаммони ҳал қилишнинг янги тадқиқотларини талаб қилади»<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда ички аъзоларнинг пастга тушиши ва тўлиқ тушиши, 2-3 та ва ундан кўпроқ тукқан 45% аёлларда учрайди. Жарроҳлик коррекциясидан сўнг жинсий аъзоларнинг пастга тушиши ва тўлиқ тушиши 2 дан 10 фоизгача учраб туради. Жарроҳликнинг мавжуд усуллари доим ҳам паталогияни тубдан бартараф этмаслигини ҳисобга олган ҳолда, ёш, истиқболли олимлар томонидан синтетик материаллар ёрдамида бачадоннинг лигаментар аппаратини мустаҳкамлаш, қин чўлтоғини ва уретрал фасцияни кўтариш каби янги жарроҳлик усуллари ишлаб чиқилган (Курбанов Б.Б., 2018; Шомиров Д.А., 2021). Жинсий аъзолар пролапси билан оғриган беморларда операциядан олдинги тайёрлаш ва операциядан кейинги парваришлашни оптималлаштириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар замирида,

<sup>1</sup> Радзинский В.Е., Оразов М.Р., Токар Л.Р. ва ҳаммуаллифлар. Перинеология. Эстетическая гинекология. М, 2022-416 б.

<sup>2</sup> Ranee Thakar Manual of Urodynamics for Gynaecologists 1st Edition, Kindle Edition. 2020

замонавий инновацион технологияларни қўллаш ушбу патологияда интраоперацион, эрта, узок муддатли асоратлар ва рецидивларни камайтиради.

Мазкур илмий тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-6110-сон Фармони, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4887-сон қарори, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4891-сон қарори ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур илмий иш Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг долзарб йўналиши: VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида, жумладан Россияда жинсий аъзолар пролапси частотаси барча гинекологик касалликлар орасида 28–40% га етади. Россияда 50 ёшгача бўлган аёлларда ушбу патологиянинг улуши 40% гача етса, 60 ёшдан ошган аёлларда бу кўрсаткич янада юқори 50-60% ни ташкил қилади ва жинсий аъзолар пролапси касаллигининг энг кўп учраши эса 70-80 ёшли аёлларга тўғри келади. Катта ва кекса ёшли аёллар орасида жинсий аъзолар пролапси одатда 80% гача постменопауза давридаги эстроген етишмовчилиги фонида юзага келувчи турли урогенитал бузилишлар билан бирга кузатилади. Шунингдек, пролапсининг “ёшариб” боришига мойиллиги, унинг оғир шакллариининг устунлиги, жараёнга ёнма-ён органларнинг функциялари бузилиши кўшилиши ҳам қайд этилган. Ёшлиқда жинсий аъзолар тушишини асосий қўзғатувчи омили – табиий туғиш йўллари орқали туғрук ҳисобланади»<sup>3</sup>.

Хорижий олимлар ушбу патологияни кўпинча дизурия ва киннинг олдинга чиқиш каби белгиларни пайдо бўлишига олиб келувчи, сийдик-жинсий аъзолар диафрагмаси орқали тос аъзоларининг прогрессив чурраси сифатида тавсифлашади. Бугунги кунда кичик тос аъзолари пролапси билан

---

<sup>3</sup> Данилина О.А., Волков В.Г. Распространенность пролапса тазовых органов среди женщин репродуктивного возраста // Journal of new medical technologies, 2022 – vol. 29, №1 – p. 29-33.

боғлиқ жуда кўп муаммолар мавжуд. М.Р.Оразов (2019) илмий ишларида кўрсатганидек, тос аъзолари пролапси - идеал ечимга эга бўлмаган муаммо саналади. Ушбу патологияни яқуний ривожланиши механизми аниқ бўлмаганлиги сабабли, касаллик юзага келиш эҳтимолини камайтиришга кўмаклашадиган аниқ профилактика чоралари ишлаб чиқилмаган (Alka AB, 2019; Быченко В.В.,2021; Brown HW ва бошқалар,2022).

Кўп йиллар давомида бутун дунёда жинсий аъзолар пролапси этиопатогенези тўғрисида мунозаралар олиб борилади, лекин назарияларнинг ҳеч бири ушбу патологиянинг юзага келиши сабаби ва ривожланиш механизмини тўлиқ изоҳлаб бера олмайди. Тос аъзолари пролапси этиологияси кўп омилли ҳисобланади ва қуйидагилар жинсий аъзолар пролапси касаллиги ривожланишининг асосий сабабларидир: ёшга боғлиқ ўзгаришлар, пай аппаратлари таранглиги ва эластиклигининг пасайиши (50-55 ёшдан кейин); ўтирган ҳолда ва камҳаракат ҳаёт тарзи, айниқса семизлик ёндош бўлганда; тос органлари шикастлари; кичик тос органларида ўтказилган жарроҳлик аралашувлари; оғир жисмоний меҳнат; бириктирувчи тўқималар ва пай аппаратларининг туғма заифлиги, чекиш, доимий йўтал мушакларда зўриқишни оширади ҳамда пай аппаратини заифлаштиради; кўп маротаба табиий туғруқлар тос бўшлиғи ва бириктирувчи тўқималарнинг бевосита шикастланишига олиб келиши мумкин, натижада турли оғирлик даражасидаги жинсий аъзолар пролапси ривожланади. Ушбу патология кўп ҳолларда фертил ёшда ҳам учрайди ва менопауза бошланиши билан прогрессив табиатга эга (Vergeldt T.F., 2020; Данилина О.А.,2022; Akihiro Namuro, 2023).

Ҳозирги вақтда жинсий аъзолар пролапси билан боғлиқ яна бир муаммо - таснифлашнинг кўплаб турлари мавжудлигидир. Бироқ POP-Q(Pelvic Organ Prolapse Quantification) таснифи кўпроқ тарқалган бўлиб, уролог, гинекологларнинг кундалик амалиётида урогинекологик тармоғининг маҳаллий ва халқаро ташкилотлари, жумладан, Америка урогинекологлар жамияти, Гинеколог хирурглар жамияти ва сийдикни ушлаб туриш халқаро жамияти (International Continence Society, ICS) томонидан фойдаланишга тавсия этилган. POP-Q тизими бўйича стандартлаштириш бутун дунё, шунингдек, Ўзбекистонда амалиётчи акушер-гинекологлар томонидан қўлланилади (Blomquist J.L.,2019; American College of Obstetricians, 2019; Гафуров Ж.М., 2021).

Мазкур муаммони ўрганишнинг аҳамияти медикаментозли ва медикаментозсиз муолажа, диетотерапияни ўз ичига олган жинсий аъзолар пролапсини даволашдан иборат бўлиб, асосийси ушбу патологияни ривожлантирувчи сабабни топиш, уни бартараф этиш зарур. Бачадон тушишини консерватив даволаш жараён ривожланишини олдини олиш, нохуш аломатлар (оғрик, оғирликни ҳис қилиш ва ҳоказо) ни бартараф этиш ва асоратлар профилактикаси (бачадон тўлиқ тушиши, қин деворларининг трофик яраси, қон кетиши, инфекциян-яллиғланишли жараёнлар, сийдикни ушлолмаслик), медикаментоз даволаш (эстроген препаратлар билан гормонал муолажа), тос бўшлиғи мушакларини мустаҳкамлаш учун махсус машқларни

камраб олади. Касалликнинг дастлабки 1- ёки 2- босқчиларида жинсий аъзолар пролапси билан оғриган аксарият беморларга Кегел томонидан ишлаб чиқилган комплекс машқлар тавсия қилинади, ушбу машқлар жинсий аъзолар пролапси ривожланишини секинлаштиришга ёрдам беради, бу Cochraneнинг тизимли шарҳлар таҳлили бўйича тасдиқланган (2011). Чанок бўшлиғи мушаклари билан шуғулланиш машқларини қўллаш ижобий таъсир кўрсатади ва чанок бўшлиғи мушаклари дисфункцияси коррекцияси учун машқлар бажармаган гуруҳ билан таққослаганда 17 фоизга жинсий аъзолар пролапси клиник белгилари пайдо бўлишини камайтиради (Kuszka A., 2020; Giagio S., 2021; Смирнова А.В., 2022)

Генитал пролапсни жарроҳлик билан даволашнинг ечилмаган муаммоларидан бири операциядан кейинги рецидивларнинг юқори кўрсаткичини пасайтириш ҳисобланади. Гарчи жинсий аъзолар пролапсини 300 дан ортиқ жарроҳлик даволаш усули, шу жумладан, инновацион лапароскопик усулини қўллаш мавжуд бўлса-да, операциядан кейинги рецидивлар частотаси жуда юқори - 5,0% дан 30,0% гачани ташкил этади, бу эса муаммонинг долзарблигини кўрсатади (Оразов М.Р., 2021).

Шундай қилиб, адабиётлар маълумотларини ўрганиб ҳамда операциядан кейинги қайталанишлар билан боғлиқ ечилмаган вазифаларни таҳлил қилган ҳолда илмий тадқиқотнинг мақсадини белгиладик – қин санацияси ва декубитал яраларнинг турли шакллари даволашда кавитацияланган ультратовушли асептик эритмаларни тўқималар трофики учун табиий маҳаллий эстрогенни биргаликда қўллаш, шунингдек, юқори далиллар базаси ҳамда минимал ножўя таъсирга эга замонавий дори воситаларидан фойдаланиш билан сийдик чиқарувчи йўллар инфекциясини даволаш орқали операциядан олдинги тайёргарлик сифатини яхшилаш. Буларнинг барчаси жарроҳликни амалга ошириш, операция натижаларини яхшилайти, операциядан кейинги эрта ва узок муддатли асоратлар ҳамда рецидивларни камайтиради, бу эса бемор ҳаёт сифатини яхшилайти.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот режасига мувофиқ (22/26.05.2022) « COVID - 19 кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир етувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган(2022-2026 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** жинсий аъзолар пролапсининг III–IV даражаси бўлган беморларда инновацион технологияларни дори воситалар билан комплекс қўллаган ҳолда жарроҳлик амалиётидан олдинги тайергарлик ва кейинги давони оптималлаштириш натижасида жарроҳликдан сўнги асоратлар ва рецидивларни камайтириш.



### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қишлоқ шароитида яшовчи аёллари орасида жинсий аъзолар пролапсини учраш частотасини ва уни келтириб чиқарадиган омилларини ўрганиш(Бухоро вилояти мисолида);

жинсий аъзоларининг III даража пролапси мавжуд беморларни жарроҳликдан амалиётдан олдин тайёрлаш ва амалиётдан кейинги олиб бориш самарадорлигини ретро ва проспектив гуруҳларда қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

жинсий аъзолар IV даражали пролапси мавжуд бўлган беморларда такомиллаштирилган жарроҳлик амалиётдан олдинги ва кейинги олиб бориш усулининг самарадорлигини аниқлаш;

жинсий аъзоларнинг III–IV даражаси пролапси билан оғриган аёлларда жарроҳлик амалиётдан кейинги асорат ва рецидивларни камайтириш учун такомиллаштирилган усулини таклиф қилиш;

**Тадқиқотнинг объектини** жарроҳлик билан даволанган, чаноқ аъзолари пролапси билан оғриган 263 нафар аёл ташкил этди, уларнинг 217 нафаридан III даража, 46 нафар беморда IV даража ташхисланган. Материалларни тўплаш, тос аъзолари пролапси бўлган беморларни операциядан олдин тайёрлаш ва операциядан кейинги парваришlash натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш 2014-2022 йилларда Бухоро тумани туғруқхонасининг гинекология бўлими ва Бухоро вилоятидаги «Лорастом» хусусий клиникаси, ва Тошкент шаҳридаги 2-туғруқхонанинг гинекология бўлими асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг предметини** амбулатор карталар, жинсий аъзолар пролапси билан оғриган беморларнинг касаллик тарихи, жисмоний текширув маълумотлари, клиник-лаборатор маълумотлар гемостазиограмма, кўрсатмалар варақаси, наркоз картаси ва инструментал текширув маълумотлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари билан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ шароитида яшовчи аёлларда жинсий аъзолар пролапси учраш частотаси юқори бўлиб, хавф омиллар ичида оғир жисмоний меҳнат, ҳамда анамнезидаги уч ва ундан ортиқ туғруқлар мавжудлиги аҳамиятли эканлиги исботланган;

жинсий аъзоларнинг III- IV даражали пролапсини жарроҳлик усулида даволашдан олдин ва кейинги йирингли асоратларни камайтиришда, стандарт даво билан бир пайтда инновацион ультратовуш кавитация усули ёрдамида хлоргексидиннинг 0,05% сувли эритмаси қўлланилиш самарадорлиги аниқланган;

жинсий аъзоларнинг III-IV даражали пролапси аниқланган беморларда инновацион ультратовуш кавитация такомиллаштирилган усулни қўллаш, кин микробиоценозини меъёрлаштириш, декубитал яраларни кичрайтириш, пролапс рецидивни 4,75 бараваргача камайтиришга олиб келиши исботланган;

жинсий аъзолар пролапсини эрта даражаларида аниқлаш ва хавф омилларини бартараф этиш, жарроҳлик амалиёти талаб қилинганда даво самарадорлигини ошириш ва асоратларни камайтиришнинг босқичма-босқич амалга ошириш дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қишлоқ шароитида яшовчи аёллар орасида жинсий аъзолар пролапси учраш частотаси ва унга олиб келувчи омиллар аниқланган, бу эса профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишда ёрдам беради;

Кавитацияланган паст частотали, ультра товушли 0,05% ли 200-300 мл миқдордаги хлоргексидин эритмаси таъсирида тўқималарнинг йирингли, патологик яралар чуқур тозаланиши, микроорганизмлар ҳосил қилган “биопленкалар” 4-6 кунда парчаланиши, ҳамда яра юзасини дезинфекциялаш анъанавий тайёрлаш усулига (10-14 кун) нисбатан 2,5 баравар тезлиги, стационар даво даврининг қисқариши билан асосланган;

Операция олди тайёргарликда табиий конъюгирланган эстроген қўллаш самарадорлиги исботланган, анъанавий усулга нисбатан таққослаганда у қин микробиоценозини нормаллаштирган ва айниқса декубитал яраларда тўқималар трофикасини яхшилаган, бу операцияни амалга ошириш техникасини яхшилаган, травматизмни камайтирган, интраоперацион қон йўқотишни ва жарроҳлик амалга ошириш вақтини камайтирган;

Жинсий аъзолар пролапсининг учинчи ва тўртинчи даражасида операциядан олдинги тайёргарлик ва операциядан кейинги парваришланишнинг такомиллаштирилган вариантнинг тиббий, иқтисодий, ижтимоий ва реабилитацион самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий тадқиқотда назарий ва амалий ёндашувларни қўллаш, генитал пролапсининг учинчи ва тўртинчи даражадаси билан оғриган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқот натижаларини хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар маълумотлари билан клиник-лабораториявий таққослаш, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан маъқуллангани билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ жойларида жинсий аъзолар пролапсининг учинчи ва тўртинчи даражалари пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш, ҳамда ривожланиш патогенезини аниқлашдан иборат. Шунингдек инновацион ультратовушли кавитацияланган хлоргексидин сувли эритмаси микроорганизмлар “биопленка” парчалаши ва табиий конъюгирланган эстрогенни қўллашнинг самарадорлиги илмий жиҳатдан исботланган.

Жинсий аъзолар пролапсининг учинчи ва тўртинчи даражаси билан оғриган аёлларни такомиллаштирилган жарроҳлик олди тайёргарлик ва жарроҳликдан кейинги даволашнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, бу жарроҳлик олди тайёргарлик ва жарроҳлик аралашуви вақтини ишончли қисқартирган, интраоперацион қон йўқотиш, жарроҳликдан кейинги даврда эрта йирингли-септик ҳамда узоқ муддатли асоратлар, 2 йилдан кейинги рецидивларни 2,8 бараварга камайтирган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Олинган илмий натижалар асосида қишлоқ шароитида яшовчи аёллар орасида жинсий аъзолар пролапси учраш частотаси ва унга олиб келувчи хавф омиллар аниқланган бўлиб, бу ўз навбатида беморларнинг барчасида асоратларнинг олдини олиниши даволаш натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, кузатилиши мумкин бўлган асоратларни камайтириб, шифо жараёнини тезлаштиради. Қишлоқ шароитида яшовчи аёллар орасида жинсий аъзолар пролапси учраш частотаси ва унга олиб келувчи хавф омиллар аниқланганлигини инобатга олиниб даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, операциядан кейинги асоратларини олдини олишга ҳамда рецидивларни камайтириш ҳисобидан сарфланадиган харажатларини камайтиришга эришилган:

Жинсий аъзоларнинг III даражали пролапсида анъанавий давога нисбатан инновацион ультратовуш кавитация усули ёрдамида хлоргексидиннинг 0,05% сувли эритмаси фойдаланганда, тўқималарда микроциркуляцияни яхшилаш, фагоцитоз ва бактерицид эффекти ҳисобига, қин шиллиқ қавати йирингли-бактериал ажралмалардан тозаланди, биоценоз ва қин тозалиги даражаси яхшиланиши натижасида жарроҳлик амалиётдан кейинги йирингли-септик асоратлар 2.4 ва рецидивни 2.8 марта камайишга эришилган:

Жинсий аъзоларнинг IV даражали пролапсида жарроҳлик амалиётдан олдин сувда эрийдиган конюгирланган эстерогендан фойдаланиш, анъанавий давога нисбатан қин шиллиқ қавати базал қисмида трофика ва репаратив-регенератив хусусиятлар яхшиланишига ёрдам берди, бу ўз навбатида жарроҳлик амалиёти техникаси яхшиланиши, интраоперацион қон кетишларни  $190 \pm 35,0$  мл камайишига, амалиёт давомийлигини  $33 \pm 2,5$  дақиқага қисқариши ва рецидивларни 4,75 бараваргача камайтиришга эришилган. Сувда эрийдиган конюгирланган эстерогендан фойдаланиш, анъанавий давога нисбатан қин шиллиқ қавати базал қисмида трофика ва репаратив-регенератив хусусиятлар яхшиланиши, беморларда операциядан сўнги ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг камайтириш ҳисобига тўшак кунларни 6 кунга қисқаришига олиб келган:

жинсий аъзоларнинг III - IV даражали пролапсида жарроҳлик амалиётдан олдинги давода ўсимликлардан тайёрланган фитопрепаратлар ва жарроҳлик амалиётдан кейин даврда уч компонентли қин шамчаларни қўллаш, анъанавий усулга нисбатан тиббий-иктисодий, ижтимоий ва реабилитацион самарадорлиги илмий жиҳатдан исботланган, бу ўз навбатида, асоратлар ривожланиш омилини камайтириб, шифо жараёнини тезлаштиради. Шунинг ҳисобига жарроҳлик амалиёти техникаси яхшиланиши, интраоперацион қон кетишларни камайиши, амалиёт давомийлигини қисқариши ва рецидивларни камайишга эришилган ҳолда, беморларни шифохонада бўлишини 6 кунгача қисқартиришга эришилган:

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий конференцияда, шу жумладан, 2 та жаҳон конгресси, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация мундарижа, кириш, асосий қисм (5та боб), хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 134 саҳифани ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Аёлларда чаноқ аъзолари пролапсининг замонавий тушунчалари: этиопатогенез, клиника, ташхислаш ва даволаш”** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот ишлари шарҳи келтирилган. Асосий эътибор жинсий аъзолар пролапси этиопатогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш муаммоларига қаратилган. Мазкур бобда тос аъзолари пролапсининг таснифи ва клиник кўринишлари ҳамда тос аъзолари пролапси билан боғлиқ ҳал этилмаган муаммолар баён қилинган. Ҳар йили, дунёда ва республикамизда ҳам кўплаб жарроҳлик даволашлари амалга оширилади, бироқ операциядан кейинги қайталанишлар частотаси 30% гачани ташкил этади, улардан 4 фоиздан 9% гача ҳолатлар туғруқдан кейинги йирингли-септик асоратлар шаклида учрайди, бу эса ушбу муаммо ечимининг янги тадқиқотларини талаб қилади. Жарроҳликдан кейинги рецидивлар билан боғлиқ адабиётлар маълумотларини ўрганишда ва ҳал этилмаган масалаларни таҳлил қилишда илмий тадқиқотнинг мақсади – қин санацияси ва декубитал яраларни даволаш мақсадида кавитацияланган ультратовушли асептик эритмаларни тўқималар трофикларини яхшилаш учун табиий маҳаллий эстроген билан биргаликда қўллаган ҳолда операция олди тайёргарлик сифатини яхшилаш, шунингдек, сийдик йўли инфекциясини юқори далиллар асоси ва минимал ножўя таъсирга эга замонавий дори воситаларидан фойдаланиш билан даволаш белгиланган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Клиник материалларнинг умумий тавсифи, жинсий аъзолар пролапси бўлган беморларни тадқиқ қилиш усуллари**” деб номланган бўлиб, материалларни тўплаш, илмий тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш 3 босқичда амалга оширилган.

**Биринчи босқичда** – 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда Бухоро вилояти Бухоро тумани қишлоқ аҳолисида POP-Q (Pelvic Organ Prolapse Quantification) таснифи бўйича генитал пролапсининг I- ва IV- даражалари ривожланишига олиб келувчи омиллар ва учраш частотаси ўрганилган.

**Иккинчи босқичда** чанок аъзолари пролапси бўлган 263 нафар аёл тадқиқот объекти бўлди, улардан 217 нафари III даражали ва 46 нафари IV даражали бўлиб, барчасида жарроҳлик аралашуви амалга оширилган. Материалларни тўплаш, чанок аъзолари пролапси бўлган беморларни операциядан олдин тайёрлаш ва операциядан кейинги парваришlash натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш 2014-2022 йилларда Бухоро тумани туғруқхонасининг гинекология бўлими ва Бухоро вилоятидаги «Лорастом» хусусий клиникаси ва Тошкент шаҳридаги 2-туғруқхонанинг гинекология бўлими асосида амалга оширилган.

**Учинчи босқичда** узок муддатли натижалар, яъни операция олди тайёргарлик ва операциядан кейинги парваришlashнинг такомиллаштирилган усули фониди 1-2 йилдан кейинги қайталанишлар ўрганилган.

Илмий тадқиқотнинг биринчи вазифасини бажаришда қишлоқ аҳолисида жинсий аъзолар пролапси ривожланишига олиб келувчи омиллар ва частотасини ўрганиш мақсадида қуйидаги мезонлар киритилган: тос аъзолар пролапси I-IV даражасининг клиник ва объектив кўриниши белгилари мавжудлиги ёки 19 ёшдан 80 ёшгача таххислашнинг функционал усули.

Иккинчи ва учинчи вазифаларни бажариш учун жинсий аъзолар пролапси III-IV даражаси бўлган беморларни операция олди тайёрлаш ва операциядан кейинги парваришlash самарадорлиги баҳоланиб, қуйидаги мезонлар белгиланган: POP-Q таснифи бўйича жинсий аъзолар пролапси III-IV даражаси мавжудлиги, мазкур илмий тадқиқотда иштирок этишга, операция олди тайёрлаш, жарроҳлик билан даволаш, икки йил давомида операциядан кейинги кузатувларга розилик берган 35 дан 80 ёшгача ва ундан юқори ёшли беморлар. Қуйидагилар мезон сифатида киритилмаган: режали ҳомиладорлик, туғруқдан кейинги 6 ойлик давр; хатарли оғир соматик, бронхиал астма, ревматоид артрит, склеродермия, Паркинсон касаллиги, ўткир вирусли гепатит, шунингдек, кичик тос органининг ўткир яллиғланиш касалликлари.

**Натижаларни статистик қайта ишлаш** “Statistica 10.0” дастурий таъминот тўплами ёрдамида, ўртача арифметик қийматни (M), ўртача арифметик қиймат хатолари (m), Стъюдент мезони (t) ва умумий фарқлар тенглиги (F –Фишер мезони) ҳисоблаш билан амалга оширилган. Статистик муҳим ўзгаришлар учун  $P < 0,05$  ишончлилиқ даражаси қўлланилган.

Диссертациянинг “**Ўрганилаётган ҳудудда генитал пролапс учраш частотаси ва ривожланишига олиб келадиган омиллар**” деб номланган учинчи бобида Бухоро вилояти Бухоро туманининг қишлоқ аҳолисида генитал пролапс ривожланишига олиб келувчи частота ва омиллар қиёсий баҳоланган.

Беморларнинг ёши 19-80 ёш ва ундан юқори бўлиб, ўртача  $52,5 \pm 3,6$  ёшни ташкил этди. 2019 йилда Бухоро туманининг умумий аҳолиси сони 174 824 кишини ташкил этган бўлиб, ундан 87 671 (50,1%) нафари аёллар бўлган. 19 ёшдан 80 ёшгача ва ундан юқори ёшли аёллар 60 977 (69,5 %) нафарни ташкил қилган. Ўртача статистик маълумотлар олинган бўлиб, жами 60 977 нафар аёлдан юқорида келтирилган ёшда жинсий аъзолар пролапси 21 547 (35,3%) нафарида учраган  $p < 0,05$ . Шундай қилиб, Бухоро вилояти Бухоро туманида жинсий аъзолар пролапси учраш частотаси 19 ёшдан 80 ёшгача бўлган аёлларнинг 35,3%ни ташкил этган. Агар Г.А.Субанова (2022) томонидан Қирғизистоннинг Бишкек ва Ўш шаҳарларида олиб борилган тадқиқот билан таққослайдиган бўлсак, жинсий аъзолар пролапси мамлакатимизга қараганда 1,4 барабар кўпроқ учраган, Россияда эса 30 фозидан 40 фозигача аёлларда учраган.


Жинсий аъзолар пролапси ривожланиш хавфи омиллари сифатида қиёсий жиҳатдан ёш, паритет, касби, шу жумладан, ноқулай иш шароити, метаболик синдром пайдо бўлиши, менопауз бошланиши ва ёндош соматик касалликлар таҳлил қилинган. Жинсий аъзолар пролапсининг учраш частотаси қиёсий жиҳатдан қишлоқ аҳолиси ёшига қараб 1-расмда акс этирилган. 1-расмда кўрсатилганидек, 20 ёшдан 29 ёшгача - 1516 (13,6%); 30 ёшдан 39 ёшгача - 3867 (34,6%) ҳолатда; 40 ёшдан 49 ёшгача - 5418 (48,6%); 50 ёшдан 79 ёшгача - 6892 (62,6%) ҳолатда ва 80 ёшдан юқори - 336 (73,9%) ҳолатда мос равишда тос аъзолари пролапси учраган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аёлларнинг умр кўриш давомийлиги ошиши аксарият мамлакатларда 77-82 ёшни ташкил этмоқда, мос равишда жинсий аъзолар пролапси учраш частотаси ҳам ошиб бормоқда. Сўнгги вақтларда бизнинг туманда ҳам жинсий аъзолар пролапси “ёшаришига” мойиллик кузатилмоқда ва ушбу патология асосан енгил ва ўрта даражада ҳамда туғруқдан кейинги даврларда учрамоқда. Жараён эрта туғиш ёшидан бошланган ҳамда қишлоқ жойларда аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва пахта етиштириш билан шуғулланишган.

Гуруҳимиздаги 1516 нафар ёш аёллардан 1248 нафари (82,3%) ушбу меҳнат фаолияти билан шуғулланган. Ёш ошиши билан соматик касалликлар, метаболик синдром учраш салмоғи ошади ва эстроген гормони ишлаб чиқаришнинг камайиши, бу жинсий аъзолар пролапси юзага келишига сабаб бўлган.

Тадқиқотлар натижаси 1-жадвалда жинсий аъзолар пролапси ривожланишининг асосий ва кўп учровчи омиллари сифатида оғир жисмоний меҳнат аниқланган. Жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, қишлоқ шароитида яшовчи аёллар 9357 (43,4%) нафари оғир қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланишган, шундан 7364(79,4,%) нафари - пахта ва гуруч экиб, ўстиришган, 1267(13,6%) нафари - пахта, 503(5,4%) нафари - гуруч етиштирган бўлса, 1,3% бошқа қишлоқ маҳсулотлари: картошка, пиёз, қовун, тарвуз ва кулупнай экишган, суғоришган ва йиғишган. Шуни таъкидлаш керакки ушбу категориядаги аёллар анамнезида ўртача  $3 \pm 0,5$  туғруқ бўлиб, ўртача ёши  $39 \pm 1,9$  ёшни ташкил қилган. Оғир жисмоний меҳнат қорин ички

босимини узок муддатли ошиши билан кечиб, бунинг ўзи жинсий аъзолар пролапси ривожланиш хавфини кескин оширган.



**1- расм Бухоро вилояти қишлоқ аҳолиси ёшига кўра қиёсий жиҳатдан жинсий аъзолар пролапси учраш частотаси**

Уй бекалари 9619(44.6%) нафарида ҳам жинсий аъзолар пролапси учраган. Шунини таъкидлаш керакки ушбу категориядаги аёлларда келтириб чиқарувчи асосий омил сифатида туғруқлар бўлиб, анамнезида ўртача  $4.2 \pm 1.2$  туғруқ, ўртача ёши  $46 \pm 2.6$  ёшни ташкил қилган. Шу билан бир қаторда жинсий аъзолар пролапси бўлган аёлларда аксарият ҳолларда ортикча вазн, семизлик, юрак-қон томир тизими касалликлари (гипертоник касаллик), сийдик йўллари ва ўпка тизимининг сурункали яллиғланиш касалликлари (цистит, сурункали бронхит), шунингдек, тос аъзолари функциялари бузилиши (қабзият, геморрой, сийдик тутта олмаслик) аниқланган.

Савдо соҳасида ишловчи аёлларида жинсий аъзолар пролапси 1666 (7.7%) нафарида учраб, буларда ҳам туғруқлар сони, кечиши, касби ва ёшига боғлиқлиги кузатилган. Кўпгина ҳолатларда 8674 (48,1%) нафар аёллар  $p < 0,05$  бошланғич симптомларга эътибор қаратишмаган, касаллик ёки патология  $2,5 \pm 0,5$  йил давомида симптомсиз кечган  $p < 0,05$  ва биз ўтказган тиббий кўриклар вақтида аниқланган.

**Бухоро вилояти Бухоро тумани қишлоқ аҳолиси орасида жинсий  
аъзолар пролапси бўлган беморлар касблари**

Касб	Жинсий аъзолар пролапси мавжуд беморлар (n=21547)	
	Абс	%
Уй бекалари	9619	44.6
Ўқитувчи	238	1.1
Болалар боғчаси тарбиячилари	163	0.75
Қишлоқ хўжалиги ишлари	9357	43.4
Ишчилар	64	0.3
Савдо тизими	1666	7.7
Талабалар	38	0.17
Тиббиёт ишчилари	402	1.86

Жинсий аъзолар пролапси бўлган аёлларда аксарият ҳолларда ортиқча вазн, семизлик, юрак-қон томир тизими касалликлари (гипертоник касаллик), сийдик йўллари ва ўпка тизимининг сурункали яллиғланиш касалликлари (цистит, сурункали бронхит), шунингдек, тос аъзолари функциялари бузилиши (қабзият, геморрой, сийдик тута олмаслик) аниқланган. Ушбу соматик касалликларнинг барчаси жинсий аъзолар пролапси юзага келишида муҳим рол ўйнаган. Бошқа тарафдан, бу соматик патологиялар, айниқса сийдик йўллари инфекцияси тос аъзолари пролапсининг асоратлари ҳисобланган. Беморларда синовдан ўтказилган ихтисослаштирилган сўровномадан фойдаланилган, уни бирламчи бўғин шифокорларига ва туман аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида тарқатилган. Соматик касалликларнинг, айниқса, нейроэндокрин патология – семириш, доимий йўтални келтириб чиқарувчи ва қорин бўшлиғи босимини оширувчи бронх-ўпка тизими сурункали патологиясининг кенг тарқалиши кичик тос аъзолари тўқималарининг функционал ҳолатини ёмонлаштирган, гипоксия трофикларни бузилишига сабаб бўлган, буларнинг барчаси жинсий аъзолар пролапси ривожланишига олиб келган. Ўз навбатида жинсий аъзолар пролапси сийдик йўли инфекциялари, айниқса сурункали цистит ва сурункали пиелонефритни келтириб чиқарган. Бундай асоратлар жинсий аъзолар пролапси бўлган қишлоқ шароитида яшовчи аёлларда 35.3% да учраган. Энг кўп учрайдиган асорат сийдик тута олмаслик бўлиб, жинсий аъзолар пролапси



бўлган беморларнинг 10909 (50.9%) нафарида учраган, таъкидлаш лозимки, бу аёллар асосан шифокорга сийдик тута олмаслик билан муружаат қилишган.

Шундай қилиб, жинсий аъзолар пролапси ташхисланган ушбу беморларда бевосита ушбу патологиянинг юзага келишида иштирок этувчи соматик патология учраган ва уларнинг аксарияти ушбу патологиянинг асорати сифатида юзага келган. Сўнги 7-8 йилда олиб борилган тадқиқот ва адабиётлар таҳлили туғруқлар сони ва туғруқ вақтидаги шикастлар жинсий аъзолар пролапси ривожланишига сабаб бўлувчи энг кучли омил ҳисобланган. A.Leijonhufvud ва бошқалар (2015) маълумотларига кўра, туғмаган аёллар билан таққослаганда битта туққан аёлда генитал пролапс пайдо бўлиш эҳтимоли 4 барвар, иккита туққан аёлда эса 8,4 баравар юқори, демак туғруқлар қайталанишининг омили ҳисобланган. Алоҳида таъкидлаш керакки, чаноқ аъзолари пролапси учраши эҳтимоллиги кейинги туғруқларда ошган, туғруқлар сони ортиши ушбу патология юзага келиш хавфи оширади. Юқорида келтирилганларни маълумотларни, 2-жадвалдаги далиллар тасдиқлади, яъни жинсий аъзолар пролапси учинчи туғруқдан сўнг 73% кўпроқ учраган,  $p < 0,05$ . Текширувчи гуруҳ аёлларида VII туғруқ 18 та ҳолатда қайд этилган. Еттинчи туғруқ асосан фақат бир хил жинсдаги фарзанди мавжуд 16 та аёлда кузатилган. Вагинал туғруқлар, айниқса шикастлар билан атроф тўқималар, фасция, мушаклар, кичик тос аъзолари пайлари, тос бўшлиғи яллиғланишида муҳим рол ўйнаган ва натижада жинсий аъзолар пролапси ва унинг рецидивлари ривожланишига сабаб бўлган.

**2-жадвал**

**Бухоро вилояти Бухоро туманидаги жинсий аъзолар пролапси билан оғриган беморларда табиий туғруқлар сони**

Туғруқлар сони	Жинсий аъзолар пролапси мавжуд беморлар (n=21547)	
	Абс	%
I туғруқ	103	0.47
II туғруқ	1254	5.8
III туғруқ	15742	73.05
IV туғруқ	3432	15.9
V туғруқ	837	3.9
VI туғруқ	161	0.7
VII туғруқ	18	0.08

Аксарият ҳолатларда иккинчи туғруқ вақтида тос бўшлиғи шикастланган, бироқ жинсий аъзолар пролапси йиллар ўтгандан сўнг юзага келган. Тос бўшлиғи мушакларининг қаттиқ чўзилиши билан кузатиладиган туғруқча ва

туғруқдан кейинги “кенгайиш” феномени жинсий аъзолар пролапси ривожланишида сезиларли рол ўйнаган ва кўплаб илмий тадқиқотларда исботланган.


Шундай қилиб, оғир жисмоний меҳнат, ёш, соматик патология, айниқса, семизлик, сурункали ўпка патологиялари узоқ вақт қорин бўшлиғи босимининг ошишига, тос бўшлиғи мушаклари функциясининг декомпенсациясига, кичик тос аъзолари функциялари бузилишига олиб келган, туғруқлар сони ва асоратли кечишлар эса жинсий аъзолар пролапси юзага келиш жараёнларини кучайтирган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Ретро ва проспектив гуруҳлардаги жинсий аъзолари пролапсининг III даражаси билан оғриган беморларни жарроҳлик олди тайёрлаш ва жарроҳликдан кейинги парваришlash самарадорлигини баҳолаш”** деб номланган.

Ретро ва проспектив гуруҳлардаги тос аъзолари пролапсининг III даражаси билан оғриган беморларни жарроҳлик олди тайёрлаш ва жарроҳликдан кейинги парваришlash самарадорлигини баҳолаш учун 217 нафар аёл тадқиқот объекти бўлган. Жинсий аъзолар пролапси III даражаси бўлган жами 217 нафар бемор жарроҳлик олди тайёргарлик ва жарроҳликдан кейинги парваришlash усулидан келиб чиқиб 2 гуруҳга бўлинган.

Биринчи А гуруҳ (1А) – (ретроспектив-назорат) – 107 нафар жинсий аъзолар пролапси III даражаси ташхисланган аёлда анъанавий жарроҳлик олди тайёрлаш жараёнида  $10 \pm 1,5$  кун давомида 1%ли хлорофиллипт спиртли эритма билан қин санацияси, Левомикол ва Овестин билан мазли томпон (микронизацияланган эстриол 0,5 мг, кечкурун 1 та суппозиторал вагинал шамча) амалга оширилган. Сийдик йўллари инфекцияси, қайталанувчи ва ўткир цистит мавжудлигида  $7,0 \pm 2$  кун  $1,0 \times 2$  маротаба Цефтираксон антибиотик қилинган. Кўшимча гинекологик ва соматик касалликлар муолажа қилинган.

Биринчи В гуруҳ (1В) – (проспектив) – 110 нафар жинсий аъзолар пролапси III даражаси ташхисланган аёлда жарроҳлик олди тайёргарлик ва жарроҳликдан кейинги даволашнинг такомиллаштирилган усули қўлланилган. Жарроҳликдан олдинги тайёргарликда 200,0 мл миқдорида хлоргексидиннинг 0.05% сувли эритмаси кавитацияланган паст частотали ультратовушли «ФОТЕК АК 101» аппарати ёрдамида 4 мартагача фойдаланилган, ультратовушли тебранишлар сони 50 маротабагача ва таъсир кўрсатиш давомийлиги 3 дақиқани ташкил этган. 8 соатдан сўнг 1,0 г конъюгирланган эстроген креми (фемистрон) қин ва бачадоннинг пролапси кузатилган шиллиқ қавати юзасига  $4,0 \pm 0,5$  кун бир маротабадан сурилган. Жарроҳликдан кейинги даврда уч компонентли препарат (Метостил 1тадан кечга 5 кун давомида қинга) қўлланилган. Сийдик йўллари инфекцияси, ўткир цистит мавжудлигида бир марта фосфомицин триметабол 3,0 грамм ичишга, рецидив шаклларида фитопрепарат (Канефрон Н)  $14,5 \pm 2,5$  кунга тавсия қилинган (2-расм, А,В,С).



**2-расм. Жинсий аъзолар пролапси - III даражасининг клиник кўриниши.(А- Қин биоценози бузилишининг;В- Бачадон бўйни яллиғланиш жараёнлари;С- Бачадон бўйни декубитал яра)**


Жинсий аъзолар пролапси бошланиши ва чаноқ аъзоларининг тушиши дарҳол содир бўлмайди, ушбу патология секин ривожланади, беморлар айниқса сийдик йўлларида клиник бегилар пайдо бўлганидан кейин эътибор қаратишни бошлашади. Ретроспектив гуруҳда биринчи клиник белгилар 3,5 йилдан кейин бошланган, яъни жинсий аъзолар пролапси III даражаси давомийлиги 3,5 йилдан 9 йилгача ўртача  $6,5 \pm 0,5$  йилни  $p < 0,05$ , проспектив гуруҳда эса 4 йилдан 10 йилгача ўртача  $7,0 \pm 0,7$  йилни ташкил этади  $p < 0,05$ . Қин биоценози бузилишининг асосий сабаби, оралик ёки қиндаги акушерлик травматизми туфайли узоқ вақт давомида жинсий тешикнинг ёпилишидаги нуқсон ҳисобланади (2-расм А). Бачадон бўйни канали биоценозининг ўзгариши яллиғланиш жараёнлари, вагиноз ва маҳалий иммунитетнинг пасайиши билан кечиб, кейинчалик эса декубитал яра ҳосил бўлишига олиб келган (2-расм В, С) ва буларнинг барчаси жарроҳликдан олдинги пухта тайёргарликни талаб этади. Проспектив гуруҳдаги жинсий аъзолар пролапси III даражаси мавжуд 34 (31,7%) нафар беморда қин олд девори ва бачадон бўйни шиллик қаватининг трофик яраси билан асоратланган. Санация бошлашдан олдин яра ўлчами 2,0 см дан 6,0 см гача бўлиб, хира шишасимон грануляциялар ва суст эпителизация, ярадан ажралиб турадиган йирингли ажралма, инфекцияли қирралар билан тавсифланган. Сурункали қин яллиғланиш жараёнлари, дисплазия ривожланиши ва биоценоздаги қайтланувчи ўзгаришлар жарроҳлик амалиёти техникасига жуда салбий таъсир кўрсатиб, битиш жараёни қийинчилиги, операциядан кейинги эрта ва узоқ муддатли рецидивлар частотасини оширган.

Юқорида таъкидланганидек, такомиллаштирилган жарроҳлик олди тайёргарликда қинни кавитацияланган паст частотали ультратовушли 0,05% ли хлоргексидин сувли эритмаси билан қиннинг II даражали тозалигида 2 та сеанс, III–IV даражада 3 та сеанс ва декубитал яраларда 4-6 сеанс тозалаш амалга оширилган. Илмий тадқиқотимиз ўтказиш вақтида вагинал биотоплар текшириб борилган. Ва олинган маълумотлар 2012 йилда “Инсон микробиоми” (Human Microbiome Project) лойиҳасида олинган

маълумотларини тўлиқ тасдиқлади, унга кўра қинда бактериал жамоаларининг 5 та асосий синфи мавжуд бўлиб, улардан 4 таси лактобактериялар (*L. iners*, *L. crispatus*, *L. gasseri* или *L. jensenii*) ва яна биттаси облигат анаэроблар бўлиб, улар қин тозалигини белгилайди.

Икки ва уч сеансдан сўнг вагинал микробиоценоз ҳолати яхшиланди, такрор таҳлилларда лактобацилл турларидан *L. Crispatus* улуши 53% дан 78%га; *L. Iners* 62% дан 87% ҳолатга ва мос равишда *L. gasseri* 51% дан 74% ҳолатга, *L. Jensenii* 43% дан 65% ҳолатга яхшиланди. Тўртта сеансдан сўнг декубитал яра ўлчами 2,1 баравар, 3,0 дан 1.0 см<sup>2</sup> кичрайган, бу операцияни ўтказиш учун қулай шароит яратди. Таъкидлаш лозимки, фақат бир нафар беморда декубитал яра ўлчами 10%гача кичрайди, чунки бу беморда қандли диабет яширин шакли ёндош бўлган.

Конъюгирланган эстроген (фемистрона) препаратини қўллаш тўқималар трофикасини яхшилаши ҳисобига, жарроҳлик амалиёти бажариш техникасини яхшилаб, интероперацион қон йўқотишни 2,0 бараварга камайтирди  $p < 0,05$ , травматизмни камайтириб, жарроҳлик аралашуви вақтини  $37,0 \pm 6,5$  дақиқага қисқартирди  $p < 0,05$ . Фемистрон препарати пери- ва постменопауздаги қин эпителийси атрофик ўзгаришларда нормал қин эпителийсини тиклашга ёрдам беради, шу билан бир қаторда қин микрофлорасини нормаллаштириб, қин эпителийсининг инфекция ва яллиғланиш жараёнларига чидамлилигини оширади. Операциянинг яхши натижалари фонида стационарда даволаниш вақтини ретроспектив гуруҳдаги ўртача 7 кундан проспектив гуруҳда 4 кунгача, яъни 1,7 бараварга қисқарган (3-расм).




**3-расм. Жинсий аъзолар пролапси III даражали беморларни хлоргексидин билан кавитацияланган тозалашдан сўнг вагинал биотоп ўзгаришлари**

Проспектив гуруҳда 48 (43,6%) ҳолатда, ўткир циститда жарроҳлик олди тайёрлаш мақсадида бир марта фосфомицин триметабол, сурункали ва

рецидив сийдик йўли инфекцияларида ўсимликлар асосидаги Канефрон Н дори воситасини тайинланган. Ушбу препарат таркибига учта компонент – тиллабош ўти, любисток ва розмарин мавжуд. У мутлақо табиий ва самарадорлиги тасдиқланган базага эга. Барча беморларга операциягача ва операциядан кейин 10 кун мобайнида 2 та таблеткадан 3 мартаба кунда тайинланган. Шу сабабли 48 нафар беморнинг ҳеч бирида жарроҳликдан кейинги эрта даврда ва биринчи уч ойликда сийдик йўли инфекциялари рецидиви кузатилмаган. Бундан ташқари, ичак дисбактериози антибактериал муолажа олган ретроспектив гуруҳ билан таққослаганда 15 барабар пасайган ва 2 та (1,8%) ҳолатни ташкил этган. Шундай қилиб, табиий ўсимликларга асосланган КанефронН препаратини тайинлаш самарали ва хавфсиз ҳисобланади.

Жарроҳлик олди тайёргарликдан сўнг проспектив гуруҳдаги барча 110 нафар беморга жарроҳлик амалиёти ўтказилган: олд ва орқа кольпоррафияси перинеолеваторопластика билан 62 (56,3%) нафарида; олд ва орқа кольпорафия перинеолеваторопластика ва ветрофиксация билан 36 (32,7%) нафарида; олд ва орқа кольпорграфия перинеолеваторопластика ва бачадон бўйни ампутацияси билан 12 (10,9%) ҳолатда  $p < 0,05$  (4-расм).



**4-расм. Жинсий аъзолар пролапси III даражани жарроҳлик билан даволаш ҳажми**

Изоҳ: 1-жарроҳлик усули: Орқа -олд колпорафия перинеолеваторопластика билан.

2-жарроҳлик усули: Орқа -олд колпорафия перинеолеваторопластика ветрофиксация билан.

3-жарроҳлик усули: Орқа-олд колпорафия перинеолеваторопластик ва бачадон бўйни ампутацияси билан.

Жарроҳликдан кейинги даврда барча беморлар уч компонентли препарат қабул қилишган (Метостил 1 та шамчадан қинга кечқурун 5 кун давомида). Метостил – вагинал суппозитор шаклидаги антибактериал, яллиғланиш ва замбуруғларга қарши дори воситаси. Метостилни генитал пролапсининг III даражасида қинда жарроҳлик аралашуви ўтказилгандан кейинги даврда қўллаш тўқималарнинг регенерациясининг тезлашишига ва жинсий аъзолар пролапси билан оғриган беморларда жарроҳлик амалиёти самарадорлигини оширган. Метостилдан жарроҳлик олди тайёргарликда комплекс фойдаланиш даволаш муддатини 1,7 баравар, ҳамда чоклар инфилтрациясини 2 бараварга камайтиришга имконини берган. Жарроҳликдан кейинги даврда барча беморлар уч компонентли препарат қабул қилишган (Метостил 1 та шамчадан қинга кечқурун 5 кун давомида).

Метостил – вагинал суппозитор шаклидаги антибактериал, яллиғланиш ва замбуруғларга қарши дори воситаси. Битта суппозиторий таркиби: 200 мг метронидазол, 160 мг клотримазол ва 8 мг хлоргексидин. Метостилни генитал пролапсининг III даражасида қинда жарроҳлик аралашуви ўтказилгандан кейинги даврда қўллаш тўқималарнинг регенерациясини тезлашга ёрдам берган ва жинсий аъзолар пролапси билан оғриган беморларни жарроҳлик билан даволаш самарадорлиги кўрсаткичларини яхшилаган. Метостилдан жарроҳлик олди тайёргарликда комплекс фойдаланиш ретроспектив гуруҳга караганда даволаш муддатини 1,7 баравар ҳамда чоклар инфилтрациясини 2 бараварга қисқартириш имконини берган. Жарроҳлик олди тайёргарлик, жарроҳлик билан даволаш ва реабилитация самарадорлигини қиёсий баҳолаш 3-жадвалда акс эттирилган.

### 3-жадвал

